

Date: 11th February-2026

БИДЪАТ ВА ХУРОФОТЛАР.

Иномхонов Мақсудхон

Наманган вилояти Чуст тумани
Қосимшайх масжид имом хатиби.



«Бидъат» – сўзи луғатда «бир нарсани янгидан пайдо қилиш» маъносини англатиб, динга кириб келган янгиликка нисбатан ишлатилади. «Хурофот» эса, исломгача мавжуд бўлган қадимий диний эътиқодларга оид урф-одатлар, тўқима ривоят ва афсона, ирим-сирим, сеҳр, фолбинлик, қабр, тумор каби нарсалардан ёрдам сўраш, динда бўлмаган тўқима одатлардан иборат. Бидъат ва хурофотлар дин душманлари томонидан тўқиб чиқарилган ва халқ орасида тарқатилган манбаси йўқ ва ҳужжатсиз гаплар ҳисобланади. Масалан, балиқ еса жиғилдони тозаланиб, лўқмаси ҳалол бўлади, рўза ойида тухум еб бўлмайди, ўлик чиққан хонадонда сумалак, ҳалим пиширилмайди, ифторликка ҳамирсиз овқат тайёрлаш лозим, мавлуд ўқилса хонадон соҳиблари қатнашмайди қабилидаги гапларга ишониш айна жоҳилликдир.

Расулуллоҳ (алайҳис-салом): *«Эй, Билол билгинки, кимки менинг вафотимдан кейин унутилиб кетган суннатимни қайта жорий қилса, унга амал қилувчиларга қанча савоб берилса, унга ҳам шунча савоб ёзилур. Бу уларнинг савоблари ҳисобига эмас. Яна кимки, Аллоҳ ҳам, Расули ҳам рози бўлмайдиган нотўғри бидъатни жорий қилса, унга амал қилувчиларга қанча гуноҳ ёзилса, унга ҳам шунча гуноҳ ёзилур. Бу уларнинг гуноҳлари ҳисобига эмас»*, деб таъкидлаганлар.

Одатда кайфиятга ҳам, иш фаолиятига ҳам салбий таъсир кўрсатувчи ирим-сиримларга асосан аёллар ишонадилар. Луғатда «ирим» сўзи – бирор мақсад, ният билан қилинган хурофий тадбирни англатса, «ирим қилмоқ» – бирор-бир фалокат, зиён-заҳматга йўлиқмаслик ёки унинг олдини олиш чорасини қидирмоқни англатади.

Жоҳилият даври арабларида ҳам бирор иш қилишдан аввал куш учуриб кўриш одати бўлган. Агар куш тепага кўтарилиб, ўнг томонга учса, яхшилик аломати деб билиб, ўша ишни бошлаганлар ва аксинча куш чап томонга учса, шумланиб, бу ишдан воз кечганлар. Ислом дини ёйилгач эса, Расулуллоҳ (алайҳис-салом) бундай эътиқодни рад қилиб, инсонлар шумланаётган нарсалар ҳеч қандай зарар ҳам, манфаат ҳам келтира олмаслигини таъкидлаганлар.

Сафар ойидан шумланишнинг тарихи исломдан аввалги жоҳилият даври билан боғлиқ бўлиб, бу ойда одамлар никоҳ боғламас, бирор эзгу ишга қўл урмас, тижорат ёки бошқа мақсадда сафарга ҳам чиқмас эдилар. Одамларга сафар ойидан шумланиш ноўрин эканини исботлаш учун Пайғамбаримиз Муҳаммад (алайҳис-салом) масжидларини сафар ойида қурганлар, қизлари Фотимани ҳам Алига (р.а.) ушбу ойда никоҳлаганлар. Шунингдек, сафар ойида сафарга чиқиб, Хайбар қалъасини фатҳ қилганлар ва бу ойга «Сафару-л-хайр» – «сафар хайрли ой» деб ном берганлар.

Date: 11th February-2026



Халқ орасида «иккала ҳайит орасида никоҳланиш жоиз эмас» деган ирим мавжуд бўлиб, унинг тарихи ҳам жоҳилият даврига бориб тақалади. Ўша вақтда Арабистонда Шаввол ойида вабо касали тарқалиб, кўплаб кишиларнинг ёстиғини қуритади ва бунинг натижасида «икки ҳайит ўртасида тўй қилиб бўлмас экан» – деган нотўғри эътиқод пайдо бўлди. Мазкур иримнинг асоссиз эканига Расулуллоҳ (алайҳис-салом)нинг Оиша (р.а.)га Шаввол ойида уйланганлари далил бўлади. Шундай экан, тўйларни иккала ҳайит орасидаги ойлардан бири Шаввол ойида қилиш жоиз ҳисобланади.

Иримларга ишониш яхши ва хайрли ишларнинг кечикиши, инсонлар ҳаётидаги интизомнинг издан чиқиши, ўзаро низо ва фитналарга сабаб бўлгани учун Расулуллоҳ (алайҳис-салом) уларнинг ҳар қандай кўринишини рад этган ҳолда: *«Турли нарсалардан ирим қилиш, яъни шумланиш ширкдир (яъни, энг катта гуноҳлардандир)»*, *«Ирим-сирим қилинган нарсалар Аллоҳ таолонинг тақдирисиз таъсир этмайди»*, *«Уч нарсадан умматларим ҳеч қутулмайдилар: 1) ҳасадгўйлик; 2) бадгумонлик; 3) ёмонликни ирим қилиш (шумланиш). Сизларга улардан қутулиш йўлини айтайми?! Қачонки бирон кишидан гумон қилсанг, шу гумонингга кўра иш тутма! Қачонки бировга ҳасад қилсанг, зулмга ўтиб кетма. Бирор нарсадан шумлансанг, унга парво қилмай кетавер!»*, дея таъкидлаганлар.

Расулуллоҳ (алайҳис-салом)дан ривоят қилинган ҳадиси қудсийда эса шундай дейилади: *«Аллоҳ таоло айтади: «Бандам менга нисбатан нима гумон қилса, мен худди ўша гумонидек муомала қилурман. Шунинг учун менга нисбатан хоҳлаганича гумон қилаверсин!»*. Шундай экан фақат ёмон ҳаёлларга бориб, нохушликни кутиб яшаш эмас, балки ҳар бир бўлаётган нохуш ҳолатдан ҳам яхшилик излашга ўрганиш лозим.

Мушкул кушод ва Биби Сешанба маросимлари исломда мавжудми?
Тадқиқотчилар фикрича, Биби Сешанба образи исломдан аввал пайдо бўлган ва у ҳар бир даврда ўзига хос шаклда намоён бўлган. Гоҳ тўқувчи аёллар маъбудаси, гоҳ одамларнинг жаннатга тушишига мадад берувчи ҳомий маъбуда, гоҳ бойлик берувчи шаклда халқ орасида яшаб келган. Айтишларича, улар Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанднинг Комилахон (Биби Сешанба) ва Мусалламхон (Биби Мушкул кушод) исмли ҳолалари бўлган.

«Мушкул кушод» - «мушкул» - қийин, душвор, «кушод»- очувчи, яъни қийинчиликларни енгувчи, мушкуллик ва бандларни ечувчи маъносини билдиради. Афсонага кўра, Баҳоуддин Нақшбанднинг ҳоласи ўроғини йўқотган ўтинчига ёрдам бериб, ҳар чоршанба кунлари бу илоҳий аёлни эслаб, ис-чироқ қилиши лозимлигини тайинлаган экан. Мазкур ривоятга амал қилган ҳолда маросим фақат чоршанба куни ўтказилгани сабабли, айрим жойларда «Биби Чоршанба», ёки унда шам-чироқ ёқиб, азиз-авлиёлар руҳи ёд этилгани учун «Чироқ ёқди» деб ҳам юритилади.

Ислом уламолари ушбу маросимларнинг ислом динида асоси йўқлиги сабаб уларни ўтказишни доим тақиқлаб келганлар. «Ислом маърифати» номли китобда Мушкул кушод маросими хурофот амаллардан экани таъкидланиб, «Биби Сешанба маросими муҳтарам зотларнинг руҳидан мадад сўраш, ҳожатларини тилаш бўлиб, у

Date: 11th February-2026



ислом ақидасига хилоф амалдир», дейилади. Шу боис уларни ўтказишни шарият ман қилади». Маросимларда Қуръон суралари ва Пайғамбаримиз (алайҳис-салом)га саловат ўқиш уни исломий деб ҳисобланишига сабаб бўлса-да, маросимларда руҳлардан мадад сўраш туморларга дам солиб «иссиқ-совуқ» қилиш, қулф-калитга «дам уриш» орқали бахтсизларга бахт бериш ҳамда ёрдамни Аллоҳдан эмас, шахсиятдан сўрашлари ислом таълимотига зид ҳисобланади.

Мазкур маросимларни ўтказишдан манфаатдор баъзи шахслар улар ҳақида Қуръони каримда ҳам ёзилганини даъво қиладилар. Ваҳоланки, ислом динининг асосий манбалари – Қуръони карим, ҳадиси шариф ва бошқа фикҳий асарларда ушбу маросимларни ўтказиш мумкинлигини тасдиқловчи бирорта ҳам далил мавжуд эмас. Маросимда ўқиладиган китобларнинг сифати ҳам талабга жавоб бермаслиги, ҳатто, қиссаларнинг муаллифи кимлигини тасдиқловчи белгиларнинг мавжуд эмаслиги ҳам уларнинг аниқ асоси йўқлигини кўрсатади.

Фолбинлик ва сеҳр-жоду иллатлари

Инсоният ҳаёти давомида омадсизлик, бахтсизлик, хасталик ёки бошқа муаммоларга дуч келганда уларни тезроқ бартараф қилиш учун чора қидирадилар. Кимдир бундай вазиятда сабр-матонат билан ҳаёт синовларини енгиб ўтса, яна кимдир сабрсизлик ёки қатъиятсизлик қилиб муаммолардан тезроқ ва осон халос бўлиш учун сеҳр-жоду билан шуғулланувчиларга мурожаат қилади. Қадимдан ҳозирги кунгача фолбинлик, сеҳргарликнинг нотўғри экани, уларга эргашганларнинг охири вой экани ҳақида жуда кўп гапирилган бўлса ҳам фолбинлар ва уларга ишонувчилар камаяётгани йўқ. Кундан кунга улар янги кўринишда намоён бўлиб, ўз ҳаракатларини ислом дини билан қориштириб, оқлашга уринишлари бунинг исботидир.

Ўзларини «келажакни кўрувчи», «соҳиби каромат», «шифо берувчи», «фол очувчи», «авлиё», «башоратчи», «экстрасенс» каби турли хил жозибадор номлар билан атаб, одамларни тўғри йўлдан оғдириш, уларнинг орасида фитна ва гумонларни тарқатиш билан шуғулланаётганлар ҳамда уларнинг найрангига учаётганлар, афсуски, озчиликни ташкил қилмайди. Шунинг учун ҳам фолбинлик, сеҳр-жоду тушунчаларининг маъноларини ўрганиб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Фолбинлик – бу ғайбни билиш даъвосини қилувчи кимсаларнинг машғулоти бўлиб, унинг «коҳинлик», «аррофлик» каби бошқа номлари ҳам мавжуд. «Коҳин» – келажакда бўладиган нарсалар ҳақида хабар берувчи бўлиб, ғайб илмини билиши ҳамда унга бу хабарларни жинлар етказишини даъво қилади. «Арроф» эса – турли ишларнинг бошланиш сабаблари ҳамда ўғирланган нарсалар бўлса, уни ким ўғирлаган ёки қаерда эканини билишини даъво қилувчи киши. Келажакни билиш, ғайбдан хабарим бор, деб даъво қилувчи кишилар турли номлар билан аталсада, уларнинг мазмун-моҳияти бирдир.

Динимиз таълимотига кўра, бу каби ишлар билан шуғулланиш Қуръони карим ҳукми билан ҳаром қилинган ва шаръан қораланган. Ўз навбатида, фолбин ва

коҳиннинг ғайбдан берган хабари, яъни келажакдан қилган башоратига ишониш ҳам ояти карима ва ҳадиси шарифга асосан энг оғир гуноҳлардан саналади.

Имом Насафий ўзининг тафсир китобларида фолбинлик борасида шундай деган: «Фол чўплари билан тақдирни аниқлаш одати арабларда исломдан олдин, жоҳилият пайтидаги одатлардан бўлган. Улар сафар, жанг, тижорат, совчиликка чиқиш олдида фол чўпларидан бирига «Раббим менга буюрди», иккинчисига «қайтарди», учинчисига эса «ёпик» деб ёзув қўйиб, қуръа ташлаган. Биринчи ёзувли чўп чиқса, ўша ишга борилган, иккинчиси чиқса, борилмаган, учинчиси чиқса, қайтадан қуръа ташланган. Бу нарса қисматни аниқлаш мақсадида бўлгани сабабли ислом шариати томонидан тақиқланган».

Фолбинлик билан бир қаторда «сеҳр», «сеҳргарлик» каби тушунчалар ҳам мавжуд. «**Сеҳр**» сўзи луғавий жиҳатдан «сабаби махфий бўлган нарса» маъносини англатади. Истилоҳда эса, «сеҳр» – сабаби махфийлиги учун сирли бўлган иш бўлиб, бирор нарсани ўзининг асл ҳолатидан бошқасига ўзгартириш ёки ташқи кўриниши ўзгартирилган бўлса-да, асли ўзгармаган нарса». Манбаларда сеҳрнинг қуйидаги турлари мавжуд экани қайд этилади:

Мунажжимлик – осмон жисмлари, яъни юлдузларнинг жойлашувига қараб ерда бўладиган ҳодисларни билиш. Ҳозирги кунда инсонларни тўғри йўлдан адаштиришга хизмат қилаётган «мунажжимлар башорати» деб аталаётган ҳолатлар сеҳрнинг айнан шу турига киради. Мунажжимлар башоратига қараб иш режалаштирадиган, газета нашрларида чоп этилган башоратларга ишониб ўз ҳаёт тарзини олиб борадиган кишиларнинг борлиги ачинарли ҳол, албатта. Бу борада Ибн Аббос (р.а.)дан шундай ривоят қилинади: *«Ким юлдузлар(га) қараб фол кўриш каби) илмининг бир бўлагини ўрганса, у сеҳр илмининг бир бўлагини ўрганган бўлади. Қанча (юлдузлар илмини) кўп ўрганса, шунча (сеҳр илмини) кўп ўрганган бўлади».*

Сеҳрнинг инсонга таъсири борасида уламолар ихтилоф қилганлар. Баъзилар уни бутунлай инкор қилсалар, баъзилар эр-хотин ўртасини ажратиб юбориш каби Аллоҳ зикр қилган нарсаларда бўлиши мумкин, дейдилар. Жумҳур уламолар сеҳрнинг мавжуд экани ва у инсон руҳиятига таъсир ўтказишини таъкидлайдилар.

Ҳозирда асосан фолбин ва сеҳргарларга кимнидир бахт йўлларини очиш ёки бахтини боғлаш, келажакни билиш ва келажакда бўладиган бирор ҳодисани ўзгартириши юзасидан мурожаат қиладилар. Ваҳоланки, тақдирни билиш ва келажакда бўладиган ишларни ёки уларни ўзгартириш фақатгина Аллоҳнинг қўлида бўлиб, ҳеч бир зот Аллоҳнинг ёзган тақдирини ўзгартиришга қодир эмас. Пайғамбаримиз Аллоҳ таоло ҳар бир одамнинг тақдирини яратилишидан эллик минг йил олдин ёзиб қўйилганини айтиб кетганлар. Агар бир кимсанинг тақдирини ўзгартириш ёки келажакни билиш имконияти фолбин ва сеҳргарларда бўлганида эди, улар энг аввало ўз тақдирларини ўзгартирган ва камида шоҳона қасрларда яшаётган бўлардилар.

Фолбинлик, сеҳргарлик каби иллатлар мусулмон кишини диндан чиқариб юборишга сабаб бўладиган оғир гуноҳлардан ҳисобланади. Тарихда ҳам, ҳозирги кунимизда ҳам фолбинлар гўёки сеҳр-жодуни ечиш, жин чалган инсонни муолажа



Date: 11th February-2026



қилиш ёки шунга ўхшаш ишлар учун келган жоҳил кишилардан муайян бир ҳайвонни (қора қўчқор, қора ёки қизил хўроз кабилар) келтиришни талаб қиладилар. Сўнг уни сўйиб, қонини касалга суртиб, ўзини эса қудуқ ёки ташландиқ ерларга отиш, отиш асносида Аллоҳнинг исмини зикр қилмасликка буюрадилар ҳамда шу орқали жинлардан ёрдам сўрайдилар. Жинлар эса, фолбин тилида ёки дилида кофир бўлмагунча унга ёрдам бермайди. Фолбин қанча гуноҳкор бўлса, жинлар ҳам унга шунчалик яқин бўлиб бораверади.

Келажакни билиш, йўқолган нарсаларни топиб бериш, бирор кимсага сеҳр ёки иссиқ-совуқ қилиш ва шу каби масалалар юзасидан фолбин, сеҳргар ҳамда қоҳинлар ҳузурига бориш шаръан ҳаром бўлиб, динимизда қаттиқ қораланади, уларнинг айтганларини тасдиқлаш оғир гуноҳ, ширк келтириш ҳисобланади. Бу борада Пайғамбар (алайҳис-салом)дан бир қанча ҳадислар ривоят қилинган. Жумладан, Имом Аҳмад ривоят қилган ҳадисда: *«Кимда-ким фолбин ёки сеҳргар ёки қоҳин (жинларим бор, одамларим бор, руҳлар билан гаплашаман деган кишилар)нинг олдида бориб, унинг айтганларига ишонса, у Муҳаммадга нозил бўлган нарсага қуфр келтирибди»*, дейилади. Баъзилар фолбин ҳузурига борса ҳам, унинг айтганларига ишонмаса бўлди-да, деган қабилда иш тутишади. Пайғамбар (алайҳис-салом) бундай тоифа инсонлар ҳақида ҳам хабар бериб: *«Киши фолбин ҳузурига бориб, айтганларини тасдиқламасдан чиқиб кетган тақдирда ҳам, 40 кунгача унинг ибодати қабул бўлмайди»*, деб таъкидлаганлар. Шундай экан, кимки ўзини Аллоҳга яқинман ва Аллоҳ менга ғайбни билиш кучини ато этган деб, инсон тақдирини билиб ва йўқотилган нарсаларни топиб беришни даъво қилса, ундай киши Аллоҳга эмас, шайтонга яқин одам ҳисобланади. Чунки, Аллоҳ таоло Ўзи яратган барча мавжудот ва махлуқотнинг ҳолати, ғайбга оид нарсаларини ёлғиз Ўзи билади. Келажакни ҳам, инсонлар тақдирини ҳам фақат Аллоҳ таоло билиши, ғайб сирларидан ҳеч ким, фаришталар, жинлар, ҳатто дўстларини (валийларни) ҳам хабардор этмагани ҳақида Қуръони каримда кўп бора такрорланган: **«Айтинг: «Аллоҳдан бошқа осмонлар ва Ердаги бирор кимса ғайбни билмас» (Намл, 65), «Ғайб (яширин иш ва нарсалар) калитлари Унинг ҳузуридадир. Уларни Ундан ўзга билмас. Яна, қуруқлик ва денгиздаги нарсаларни (ҳам) билур. Бирор япроқ (узилиб) тушса (ҳам) уни билур. Ер зулматлари (қаъри)даги уруғ бўлмасин, ҳўлу қуруқ бўлмасин, (ҳаммаси) аниқ Китоб (Лавҳул-маҳфуз)да (ёзилган)дир» (Анъом сураси 59-оят).** Бошқа бир оятда Аллоҳ таоло пайғамбар (алайҳис-салом)га шундай дейишларини буюради: **«Айтинг (эй, Муҳаммад!): Аллоҳ хоҳлаганидан ташқари ўзим учун (бирор) фойда ва зарар (келтириш)га эга эмасман. Агар ғайб (илми)ни билсам эди, хайрли ишларни кўп қилган бўлур эдим ва менга ёмонлик (ҳам) етмаган бўлур эди» (Аъроф, 188).** Демак, бу дунёда бирор кимга зарар ёки фойда келтиришга, яъни келаётган балони қайтариш ёки кимнидир бахтли қилишга улар қодир бўлмайдилар. Оятда Пайғамбар (алайҳис-салом) ҳам оддий башар эканлари, ўзлари ва бошқаларга фойда келтира олмасликлари, ғайб илмини билмасликлари таъкидланмоқда. Шундай экан, одамларни жаҳолат ва янглиш йўлга киритаётган фолбин ва сеҳргарлар бу ишни қандай амалга оширишлари мумкин?!

Date: 11th February-2026



Шуни такидлаш лозимки, баъзи ҳолларда фолбинларнинг биринчи марта кўриб турган одамлари ҳақида бўлиб ўтган айрим воқеа-ҳодисалар ва атрофидаги яқин одамлар таърифини тўғри айтиб бериши одамларнинг диққатини ўзига тортади ва шу сабабли унинг қолган гаплари ҳам рост, деган хулосага келишларига сабаб бўлади. Бу ҳақда ҳадисларда қуйидагича келтирилади: *«Бир куни саҳобийлар Пайғамбаримиз (алайҳис-салом)дан фолбинлар ҳақида сўраганларида Расулуллоҳ (алайҳис-салом): «Уларда ҳеч қандай ҳақиқат йўқдир» деб жавоб бердилар. Шунда, саҳобийлар: «Ё, Расулуллоҳ! Баъзан улар айтган нарсалари тўғри бўлиб чиқади», деганларида Расулуллоҳ (алайҳис-салом): «Бу сўзлар билан жинлар ўғирлаб, фолбиннинг қулогига етказган хабарга алоқаси бўлади. Бироқ, фолбинлар унга юз ёлгонни қўшиб етказадилар»* деб таъкидлаганлар. Аллоҳ таоло Қуръони каримда: *«(Эй, Муҳаммад! Айтинг): «Мен сизларга шайтонлар (жинлар) кимларга тушиши ҳақида хабар берайми? Улар барча бўҳтончи, гуноҳга ботган (фолчи-ромчи, коҳин)ларга тушурлар. Эшитиб олганларини уларга ташларлар. (Лекин) Уларнинг кўплари ёлгончилардир» (Шуаро, 221-223).* Бундан маълум бўладики, баъзан фолбиннинг айтган баъзи гаплари рост бўлиб қолиши мумкин. Бироқ бу даражага етишиш учун киши аниқ куфр келтиради ва шундагина шайтон (жин)лар унга осмондан эшитилган гапни етказади.

Бошқа ўринда Расулуллоҳ (алайҳис-салом) бундай деганлар: *«Фаришталар булутга тушадилар ва осмонда ҳукм қилинган ишни зикр қиладилар. Шайтон ўғринча қулоқ тутиб, эшитиб олади-да, уни фолбинларга етказади. Улар эса унга ўзларидан юзта ёлгон қўшиб, ёлгон гапирадилар».* Демак, фолбинларнинг жинлар билан алоқалари бор нарсаси. Улар нарсаларни билиб-билмай, қўшиб-чатиб фолбинларга етказиб турадилар.

Жинлар ўт-оловдан яратилган бўлиб, ҳар хил шаклга кира олиш хусусиятларига эга. Улар тирқишлардан ўта оладилар. Шунинг учун айримлари йўқолган нарсаларни излаб топиб, унинг хабарини фолбинларга етказишлари ҳам мумкин. Фолбинлар уларнинг етказган гапларига биноан сўзлайдилар.

Сеҳрнинг ҳар қандай тури ҳаром ҳисобланиб, уни ўрганиш, ўргатиш ва шуғулланиш қатъиян тақиқланган. Уламолардан Ибн Қудом (р.х.): *«Сеҳрни ўрганиш ва ўргатиш ҳаромдир. Илм аҳли ўртасида бу масалада хилоф йўқ»,* деб таъкидлаган. Чунки айнан сеҳр ва фолбинлик каби иллатлар туфайли одамлар орасида фитна пайдо бўлиб, ака-ука, опа-сингил, кўни-кўшни, овсинлар ўртасида шубҳа, гумон аралашиб, оқибатда қариндош-уруғ, қўшничилик ришталарига путур етмоқда. Одамлар орасида фитна уйғотиш эса, қотилликдан ҳам оғир гуноҳ экани ҳақида оятларда **«Фитна қотилликдан ҳам ашаддийроқдир»** (Бақара, 191) деб таъкидланади.

Айтиш жоизки, бугунги кунда фолбинлик ва унинг ёлгон кирдикорларига алданиб қолаётганлар орасида аёллар кўпчиликти ташкил қилади. Улар ўзларини «Ота-боболаримиз: «Фолга ишонма, фолсиз юрма», деган», деб алдашга уринадилар. Ваҳоланки, бутун ислом оламига дарс берган ажодларимизнинг бирорта ҳам асарларида бу каби асоссиз гаплар учрамайди. Фолбинларнинг Қуръон тиловат

Date: 11th February-2026



қилиши, дуо ўқиши ва намоз ўқишига алданмаслик лозим. Уларнинг баъзи тоифалари оят ва дуоларни бетаҳорат, хатолар билан ўқийдилар, намозни ҳам бетаҳорат ўқиш мумкин эмаслигини била туриб намозни ҳақорат қилиш мақсадида нопок ўқийдилар. Чунки улар қанчалик ашаддий кофирнинг амалини қилса, шайтон ва жинлар ҳам уларга кўпроқ хизматда бўлиб, янада тезроқ унинг буюрганларини бажаради. Бундан кўриниб турибдики, уларга эргашиш, улардан нажот кутиш мўминларнинг эътиқодига путур етказиши мумкин.

Шундай экан, юқоридаги маълумотлардан келиб чиқиб қуйидаги хулоса ва тавсияларга эътибор бериш лозим:

- биринчидан, аксарият ҳоларда одамлардаги келажакни билишга иштиёқнинг кучлилиги фолбин ва мунажжимларга мурожаат қилишларига сабаб бўлади. Шунинг учун келажакни билишга қизиқмаслик, ҳар бир ишни яхшилик ёки ёмонликми Аллоҳдан деб билиш ва сабр қилиб, ибодат амалларини тўғри бажариш;
- иккинчидан, уламолар сеҳрнинг ҳар қандай тури билан шуғулланишнинг ҳаром эканига иттифоқ қилганлар. Демак, мўмин киши шариат ҳаром қилган ҳар қандай ишдан қайтиши шарт;
- учинчидан, фолбинлик ва сеҳргарлик билан шуғулланиш инсонларни ақидадан адаштириш билан бир қаторда ижтимоий ҳаётимизда нотинчилиكنинг юзага келиши, инсонлар орасида адоват уруғини сочиш, фитна уйғотишга хизмат қилувчи омиллардан ҳисобланади. Бунинг оқибатида силаи раҳм, қўшничилик каби ришталарга путур етмоқда;
- тўртинчидан, сеҳрнинг ҳар қандай тури билан шуғулланувчи киши кофир бўлиши билан бирга бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам ҳеч қандай рўшнолик кўрмайди. Қолаверса, инсонлар молини ҳаром йўллар билан егани учун Қиёматдаги аҳволи аянчли бўлади;
- бешинчидан, ҳар бир мусулмон киши ўзи ва яқинларини Аллоҳга қарши борувчи ва мусулмонларни адаштирувчи бундай фирибгар, фолбин ва сеҳргарларга боришдан қайтариш ва уларга эргашишларига йўл қўймаслиги лозим;
- олтинчидан, одамларга фолбин ва уларнинг кирдикорларини тўғри тушунтириш. Бу борада маҳалланинг ўрни беқиёс, албатта. Чунки, фолбин, сеҳргар ва «сохта табиблар» узок ўлкаларда ёки одам қадами етмайдиган жойларда эмас, балки, ўзимизни орамызда яшамоқда. Уларга қарши, фақатгина, сўзда эмас, амалда ҳам курашиш лозим. Бирор ташвишга дуч келган, бетоб бўлган, қизини узата олмаётган, ўғлини уйлантира олмаётган ёки бирор нарсасини йўқотганларга дарров фолбину сеҳргарлар ҳузурига бориб, фол очтириш, «иссиқ-совуқ» қилдиришдан кўра, Яратгандан дуо қилиб сўраш, зарур ҳолда сабр қилиш кераклиги, қолаверса, бу каби ишларнинг ислом таълимотига бутунлай зид экани, оқибатда инсон икки дунёси барбод бўлиши мумкинлигини тушунтириш керак;
- еттинчидан, сеҳр-жодудан эмас Аллоҳдан нажот кутиш. Бунинг учун унинг каломи Қуръони карим ва Пайғамбаримиз (алайҳис-салом)дан ворид бўлган дуолардан ўқиш лозим. Аллоҳ таоло Қуръонни мўминлар учун шифо қилиб

Date: 11th February-2026

туширгани ҳақида ояти карима мавжуд: «(Биз) Қуръондан мўминлар учун шифо ва раҳмат бўлган (оят)ларни нозил қилурмиз» (Исро, 81).

Шу ўринда, ҳалқимиз орасида Қуръон билан дам солиб, касалларни даволаш ҳолатлари мавжуд эканини айтиб ўтиш лозим. Бу каби амалларга руқия (кўз теккан ёки сеҳрланган кишиларга Қуръон қаримнинг маълум бир оятларидан ўқиб дам солиш), дуохонлик, дам солиш деб юритилади. Ислоҳ таълимоти бу ишлардан шариатга зидларини тақиқлаган, мос келадиганларини аниқлаб, руҳсат берган. Масалан, дуо ўқувчи касалга ёки бошига бирон ташвиш тушган кишига оятлардан ўқиб, дам солса, ҳадисларда келган дуолардан ўқиб, шифо тиласа, жоиздир. Бу пайғамбаримиз (алайҳис-салом)дан собит бўлган суннатлардан ҳисобланади. Масалан, Расулulloҳ (алайҳис-салом)нинг касал бўлган одамларни ўқиганлари борасида кўплаб ҳадислар ривоят қилинган. Аммо куфроний сўзлар, маъносиз тўқима дуолар ўқиб, дам солиш тақиқланади. Имом Нававий ва Ибн Ҳажар Асқалоний сўзига кўра, уламолар дам солишнинг уч шартли борлигига ижмо қилганлар:

- Аллоҳнинг каломи, исм ва сифатларидан ўқиш;
- араб тили ёки бошқа тилда бўлса ҳам, маъноси маълум ва шаръий бўлиши;
- дуо ва дам солишнинг ўзи мустақил таъсир қилмайди, балки Аллоҳнинг изни ва тақдири билан таъсир қилади, деб эътиқод қилиш. Мазкур уч шарт топилгандагина руқия шаръий ҳисобланади ва уламолар ижмоси билан уни ўқиб, бемор кишига дам солишга руҳсат берилади.

Машаққатдан қочиб осон йўл қидириш инсон табиатига хос нарса, бироқ «тоққа чиқмасанг, дўлона қайда» деганларидек, ҳар бир ишнинг оғирлигига чидаб, сабр қилиб, улардан халос бўлишнинг ҳалол ва тўғри йўллари қидириб енгиб ўтилса, албатта, оқибати яхши бўлади. Зеро, Аллоҳдан келаётган ҳар бир синовга чиройли сабр қилиш натижасида улкан савобларга эга бўлинади.